



Ислом Нури

Савол:

Кутубус-ситта Олти китоб муаллифлари ким? Уларнинг китобларида заиф хадислар учрайдими?

Жавоб:

Алхамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала росулиллаҳ.

Кутубус-ситта муаллифлари куйидаги зотлар:

1. Имом Бухорий (194-256 хижрий)
2. Имом Муслим (204-261 хижрий)
3. Имом Абу Довуд (202-275 хижрий)
4. Имом Тирмизий (209-279 хижрий)
5. Имом Насойй (215-300 хижрий)
6. Имом Ибн Можа (209-273 хижрий)

Уларнинг ҳар бирини сизга қисқача қилиб таништириб ўтсам:

1. Имом Бухорий.

У зот Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Мугийра ибн Бардизба Жуъфий Бухорийдир.

Имом Бухорийнинг катта бобоси Мугийра Бухоронинг волийси Ямон Жуъфийнинг кўлида исломга қирган шунинг учун Жуъфий деб нисбат берилган (буни вилоят, мавло дейилади).

Имом Бухорий хижрий 194 - йилда Бухоро шаҳрида тугилди. Етим бўлиб ўсдилар. Ўн ёшга етмай хадис ёдлашга киришдилар. 16



Ислом Нури

ёшларида оналари ва акаси билан Маккага сафар килдилар ва хаж фарзини адо этдилар. Хадис, усул ва фикх уламоларидан илм олиш мақсадида бир мунча вақт Маккада колдилар. Айна мақсадда 16 йил давомида илм билан машхур бўлган Ислом диёридаги шаҳарларнинг биридан бошқасига кўчиб, ўтиб юрдилар. Бу йилларда илм билан машхур бўлган шаҳарларнинг кўпини айланиб чикдилар.

Набий саллаллоху алайхи ва салламнинг хадисларини тўпладилар. Хатто йиккан хадислари 600,000 дан ошиб кетди. Минг мухаддисга мурожаат килиб бу хадислар тўғрисида музокара олиб бордилар. Улар ростгўйлик, такво ва дуруст акида билан танилган зотлар эдилар.

Имом Бухорий ушбу катта микдордаги хадислар ичидан ўзининг «Сахих» китобини саралаб ёздилар. Бахс, текшириш, сахихни носахихдан ажратиш ва ровийларни саралашда энг нозик илмий услубни кўллаб ўзининг бу китобига энг сахих хадисларни жойладилар шундай бўлсада бу китоб барча сахих хадисни камраб олмади. Бу китобни «Росулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хадислари, суннатлари ва айёмларидан иборат бўлган Жомеъ Сахих Муснад» – деб номладилар.

Бухоро амири фарзандларига таълим бериш, уларга хадис эшиттириш учун уйига имом Бухорийнинг келишини хохлади. Бухорий унамади ва «илмга келинади, илм бормади» деб одам юборди. Яъни ким уламолардан илм олишни хохлаسا масжид ва уйларда улар хузурига боради.

Шу сабаб амир имом Бухорийни ёмон кўриб уни Бухородан чиқариб юборишга буйрук берди. Самаркандга якин Хартанг деган кишлокка кўчдилар. У ерда у кишининг кариндошлари бор эди. Шу ерда хижрий



Ислом Нури

256-йил, 62 ёшларида вафот этдилар. У кишини Аллох раҳамат қилсин.

2. Имом Муслим

Бу зот Абул Хусайн Муслим ибн Хажжож Кушайрий Нийсобурийдирлар. Буюк муҳаддислар ва ҳадис хофизларидан бўлган имомларнинг биридир. Имом Шофий вафот қилган кун (204 йил) Нийсобурда тугилди. Шу ерда илм талабида бўлдилар. Йигит бўлгач ҳадис талабида Ирок ва Хижозга сафар қилдилар. Кўп шайхлардан эшитдилар. У кишидан кўп ҳадис кишилари ривоят қилди. Китобларининг машҳури «Сахиҳу Муслим», деб танилган «Сахиҳ»ларидир. Бу китоб ҳадис бобида энг мўътабар деб топилган олти китобнинг биридир. Бу китобни 15 йил давомида таълиф этдилар. Имом Муслимнинг Сахиҳлари ҳадисларнинг қуввати ва мартабасида Бухорийнинг Сахиҳига яқин бўлиб ундан кейинги ўринда туради. Кўп олимлар бу китобни шарҳлаганлар.

Яна у кишининг китобларидан: «Табакот» «Жомеъ» «Исмлар» ва бошқа босмадан чиқмаган қўлёзма холидаги китоблари бор.

Хижрий 261 йилда 57 ёшларида Нийсобур яқинидаги Насробод шаҳрида вафот этдилар. У кишини Аллох раҳамат қилсин.

3. Имом Абу Довуд

У зот Сулаймон ибн Ашъас ибн Шаддод ибн Амр ибн Исхок ибн Башир Аздий Сижистоний Абу Довуд.

Ўз асрида ҳадис ахлининг имоми. Ҳадис имлида «Сунан» китобининг муаллифи. Бу китоб олти мўътабар китобнинг бири.



Ислом Нури

202 – йил тугилди. Багдодга сафар килди. Имом Аҳмад ибн Ханбални лозим тутиб фикх илмини таълим олди. У кишига ўхшар эди. Хижоз, Ирок, Хуросон, Шом, Миср каби диёрларга борди. У кишидан Насоий, Тирмизий ва бошқалар хадис ривоят килди. Солихлик ва ибодатдан олий даражада эдилар. «Сунан» китобида 5300 га яқин хадис жамлади.

Амир Абу Аҳмад Талха (ал Муваффақ Аббосий) ундан уч нарсани талаб килди.

Бири: Басрага кўчиб уни ватан тутсин, токи, илм толиблари у кишига келсин, шаҳар у киши билан обод бўлсин.

Иккинчиси: фарзандларига «Сунан»ни ривоят килсин.

Учинчиси: фарзандларига алохида-хос мажлис килсин. Чунки хулафолар фарзандлари омма билан ўтирмайдилар.

Абу Довуд унга деди: «Биринчисига «хўп», иккинчисига «хўп», аммо учинчисига йўл йўк. Чунки одамлар илм олишда тенгдирлар». Шу боис Муваффақ Аббосийнинг фарзандлари илм мажлисида хозир бўлиб ўтирардилар. Улар билан омма ўртасида парда тўсилар эди.

Басрада ўрнашиб колдилар ва шу ерда хижрий 275 – йил 73 ёшда вафот этдилар. У кишини Аллох раҳамат килсин.

4. Имом Тирмизий

У зот Мухаммад ибн Ййсо ибн Савра ибн Мусо ибн Заххок Суламий Тирмизий Абу Ййсодирлар.



Ислом Нури

Мовароуннахр шаҳарларидан бири Тирмиз ахлидандир. Хадис имомлари ва хофизларидан бири. 209 йил тугилди. Бухорийга шогирд бўлди. Бухорийга баъзи шайхларида шерик ҳам бўлди. Хадис талабида Хуросон, Ирок, Хижозга сафар килди. Унинг шайхларидан Ахмад ибн Ханбал ва Абу Довуд Сижистонийдир. Олти мўътабар хадис китобларидан хисобланган «Жомеъ»ни ёздилар. Бу китобда факихга фойда берадиган хадис иллатларидан кўп турларини жамлади. Чунки у хадисни зикр килади (аксарияти фикх ҳукмларига оид) сўнг барча санадларини айтади, хадисни ривоят қилган саҳобаларни санаб ўтади. Ўз наздида саҳих бўлганини саҳих, заифини заиф деб айтади. Фуқоҳолардан шу хадисни ким олгану ким олмаганини баён килади. У кишининг «Жомеъ»и «Сунан»ларнинг энг жомеъи, факих ва муҳаддисга энг манфаатлисидир. Ишончли кишилардан саҳих ривоятларни жамлаш мақсадида кўп юртларни кезганларидан кейин ҳаётларининг охиридан бир қисмини аъмо бўлиб ўтказдилар. Хижрий 279 йил 70 ёшда вафот этдилар. У кишини Аллоҳ раҳамат қилсин.

5. Имом Насоий

У зот Ахмад ибн Шуайб ибн Алий ибн Синан ибн Баҳр ибн Дийнор Насоий Абу Абдурроҳмандир.

У кишининг асли Хуросондаги Насо шаҳридан. У кишини Насога нисбат берилиб «Насоий» дейилади. Хижрий 215 йил тугилдилар. Ўз даврида хадис илмининг таянчи, замонаси ахлининг умдаси, пешвоси, имоми ва диннинг буюк кишиларидан эди.

Ҳоким айтади: «Абул Хасан Доракутнийни бир неча бор мана бундай деганини эшитдим»: «Абу Абдурроҳман ўз замонида ровийларни жарх ва таъдили ҳамда хадис илми билан ким тилга олинса барчасидан



Ислом Нури

мукаддамдир».

Ул зот вараъ ва таквонинг энг ниҳоясида бўлиб энг афзал рўза Довуд рўзасини канда қилмасди. Бир кун рўза тутар, бир кун очарди.

Мисрда турдилар ва бу ерда китоблари ёйилди. Кишилар у зотдан илм олишди. Кейин Димашкка кўчдилар. 300 – йил Сафар ойининг 13 ида душанба куни 85 ёшда вафот этдилар. У кишини Аллох раҳамат қилсин.

6. Имом Ибн Можа

У зот Муҳаммад ибн Язийд Рибъий Қазвиний Абу Абдуллоҳдир. Отаси Язийд Можа деб танилган эди. Шунинг учун бу киши Ибн Можа бўлиб чакирилди.

Рабийъа қабиласига валоъ сабаб билан мансуб бўлгани учун бу кишига Рибъий деб нисбат берилди. Қазвинда хижрий 209 – йилда тугилди. Хадис ёзиш учун Ирок, Басра, Қўфа, Бағдод, Макка, Шом, Миср ва Райга сафар қилдилар. Тафсирда бир китоб, тарихда бир китоб (бунда саҳобалар асридан ўз асригача хадис билан шугулланган кишилар хабарларини баён қилдилар) ва «Сунан» китобини тасниф этдилар.

273 – йил Рамазон ойининг 22 сида душанба куни 64 ёшда вафот этдилар. У кишини Аллох раҳамат қилсин.

Бу китоблардаги хадислар ҳукми

Имом Бухорий ва Муслимнинг саҳихларини, улардаги хадисларни барча қабул қилиб, ундаги барча хадисларнинг саҳихлигига иттифок



Ислом Нури

килишди. Бухорий ва Муслим очик ё ишорат билан иллатини баён килиш учун келтирган жуда оз лафзлар бундан мустаснодир. Бу икки китобни ўрганиб чиккан мухаккик олимлар ушбу лафзларни ҳам сахих эканлигини баён килдилар шайхул ислом Ибн Таймийя шулар жумласидан.

Аmmo бошка сунан китоблар заиф хадислардан холи эмас. Бироз мавзу хадислар ҳам бор. Баъзисини сохиби китоб ўзи ва баъзи бирини бошка олимлар баён этган. Сунан муаллифлари барча заифни баён этишга кизикишмаган. Чунки улар хадисларни иснод-ровийлар силсиласи билан келтирганлар. Бинобарин илм ахлига заифни сахихдан ажратиш — санад кишиларини ўрганиш билан уларнинг заифлик ҳамда ишонч даражаларини билиш оркали — осон бўлади.

Яна хадис бобида машхур олимлардан имом Ахмад, Доракутний, Яхё ибн Маин, Ибн Хажар, Захабий, Вокий, Саховий, замондошлардан эса Албоний, Ахмад Шокир ва бошқалар бор. Барчаларига Аллохнинг рахмати бўлсин.

Аллох билгувчирок.

Ислом савол ва жавоб сайтидан олиб таржима килинди. ИНТ